Ушбу сонда:
2 «Ишонч» бонг уради. СУСТКАШЛИК ҚАЧОНГАЧА?
3 TV – ДАСТУРИ
4 Бор бўл, оқибат! ЧЎПОН БУВАНИНГ ҲИММАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 24 октябр, жума № 165 (1590)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Тошкент тумани ёшлари маҳалла болалари ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» республика мусобақасининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди. Бу, албатта, бежиз эмас. Туманда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда 29 мактаб ва икки коллежнинг спорт зали, Келес шаҳридаги беш минг, Тошкент ширкат хўжалигидаги икки минг, Ҳасанбой ширкат хўжалигидаги минг ўринли стадионлар болалар ихтиёрида. Тумандаги икки спорт мактабида мингдан зиёд болалар спортнинг ўн икки тури билан шуғулланмоқда.

- Туманимизда 33 мингдан зиёд бола яшайди, - дейди Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими мутахассиси П.Шарипов. - Шу кунга қадар мавжуд спорт иншоотларини тўлиқ таъмирдан чиқардик. Бу борада ҳомийлар кўмаги катта бўлди.

**(ЎзА)**



## ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

***«Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширди. Ҳозир ойига ўртача юз минг тоннагача цемент тайёрлашга эришилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчиларга 750 минг тоннадан ортиқ маҳсулот жўнатилди.***

- Сўнгги вақтларда цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратяпмиз, - дейди корхона бош менежери Алихўжа Хусанхонов. - Хусусан, бу йилдан харидоргир 500 маркали цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада маҳсулотимизга буюртмалар кескин кўпайди.

Оҳангарон цементидан шу чоққача асосан Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти қурилишларида фойдаланилар эди. Эндиликда Фарғона водийсидан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Германия ва ҳиндистонлик ҳамкорлар билан бирга ишга туширилган замонавий қадоқлаш линиясининг қувватидан тўла фойдаланилиши туфайли қўшни Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон каби мамлакатлардан келаётган буюртмалар ҳам тўла бажарилмоқда. Хорижий истеъмолчиларга ўтган тўққиз ойда 61 минг тонна цемент етказиб берилди.

**(ЎзА)**



## Ижтимоий соҳа

# УЙ-ЖОЙЛАР ШИРКАТИ

## у қандай бўлиши керак?

***Тошкент шаҳрида шахсий уй-жойлар ширкатлари муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.***

***Конференция қатнашчилари Россия, Словакия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистондаги шахсий уй-жойлар ширкатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий фаолиятлари билан танишдилар. Шубҳасиз, мазкур мамлакатлардаги шахсий уй-жойлар ширкатлари тажрибалари билан танишиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Аммо, кўпчиликни ўзимизнинг ширкатлар фаолияти кўпроқ қизиқтириши табиий.***

Республикамизда 1300 тадан зиёд шахсий уй-жойлар ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Биргина Тошкентнинг ўзида ана шундай ширкатларнинг 380 таси бор. Улар тасарруфида 9049 та уй мавжуд бўлиб, бу 24,4 миллион квадрат метрни ташкил этадиган 413 минг хонадон демакдир.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги маълумотларига қараганда, уй-жой ширкатларининг 38 фоизи рўйхатга олиш бўйича нуқсонларга эга. Ўзбекистоннинг «Шахсий уй-жойлар ширкатлари тўғрисида»ги қонунида ширкатларнинг фаолиятига доир барча жараёнлар очиқ-ойдин ёритилган. Агар рўйхатга олишлар қонунчиликда белгиланган тарзда Адлия органлари томонидан ўтказилганда, бундай хатолар анча кам бўларди, деб ҳисоблайди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги услубий-ўқув меъёрий инженеринг маркази директори Қурбон Магометов.

Маълумки, Ўзбекистонда шахсий уй-жойлар ширкатлари давлат маҳкамаларида, туманлар ва шаҳарларда ҳокимликлар томонидан рўйхатга олинади. Адлия вазирлигининг иқтисодий қонунчилик бўйича бошлиғи ўринбосари Зуҳра Ибрагимованинг фикрига қараганда, шахсий уй-жойлар ширкатлари тўғрисидаги қонунчиликка тузатишлар киритиш пайти келди. Гап шахсий уй-жойлар ширкатларининг мақоми хусусида бормоқда. Бунда улар нодавлат адлиявий тижорат ташкилотлари сифатида рўйхатга олинади.

Қонунчиликда ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмаслиги, зеро, якка шахс биргина овозга эга эканлиги, умумий мажлис аъзоларининг 50 фоиздан кам бўлмаган аъзолари овоз беришлари қайд қилинган бўлиши керак. Бундай қоидалар қонунчиликда мустаҳкамланса, ҳамма масала равшан бўлади. Шуни айтиш керакки, мазкур уйда турмайдиган шахслар ҳам ширкат аъзолари бўлиши мумкин. Ширкат ихтиёрида умумий харажатларга кетадиган бадаллар ҳамда йиллик бюджетга тушадиган маблағлар ва жавобгар кишилардан ундириладиган жарималар ҳам ўз аксини топиши лозим.

Агентлик маркази директорининг фикрига қараганда, қонунда уй-жойлар соҳибларининг энг кўп сони ҳамда уларни ширкатларга бирлаштириш масалалари ҳам ёритилиши муҳимдир.

Тошкент ҳокимлиги ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бош директори Ғаффор Норматов маълумотларига қараганда, пойтахтда битта ширкат ўзида 18 дан тортиб 25 тагача уй-жойлар ёхуд 600-1000 та хусусий хоналар эгаларини бирлаштириши мумкин. Баъзан, айрим ширкатларга 50 ёки ундан кўпроқ уйлар киради. «Бир хонадон – битта ширкат аъзоси» деган ҳолат кам-дан-кам учрайди. Бундай аҳволда демократик тамойилларни амалга ошириш мушкул бўлади, зеро, асосий қарорлар умумий мажлисда қабул қилинади.

Ўзбекистонда кўп аъзолик ширкатларни тузишдан мақсад нима? Кам аъзолар бўлганда яхши натижаларга эришиш амри маҳол. Чунки, аҳолининг асосий қисми лозим тўлов имкониятларига эга эмас.

Бизда ширкатларни тузишда асосан икки йўлни белгилаш мумкин. Бунда ширкатларни бошқариш ширкат бошқаруви аъзолари томонидан амалга оширилади. Иккинчидан, бошқариш вазифаларини уй-жой ширкатлари ижрочи директори ўз зиммасига олади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам уй-жойлар ширкатлари мақоми остида бошқарув компанияси иш кўради. Бу турар-жойларга техникавий хизмат кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, адолатли нуқтаи назарларга риоя қилинмайди. Ўз-ўзини бошқариш жараёнлари четда қолади. «Ўрта Осиёда ўз-ўзини маҳаллий бошқаришни ривожлантириш» лойиҳаси раҳбари Ирина Генцлер фикрича бундай уй-жой ширкатлари коммунал турар-жой савдосини ривожлантиришга имконият яратмайди. Корхоналараро рақобатни авж олдирмайди. Демак, хизмат кўрсатиш сифати ва баҳосини режага солмайди. Айни пайтда уй-жой ширкатларининг ривожланишида давлат томонидан яратилган қулайликлар ижобий самаралар бераётир. Чунки, бу ҳолатда ширкатлар ҳар қандай тўловлардан ҳамда бюджетга бериладиган тушумлардан 2007 йилгача озод этилади. Объектларни давлат ихтиёридан чиқариш ва уларни приватизация қилиш, 80,5 фоиз ерлардан келадиган даромадлар, 1991 йилгача қурилган уйларни қайта таъмирлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Уй-жой ширкатлари томонидан спорт ҳамда соғломлаштириш масканларини қуриш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Шунингдек, уй-жой ширкатлари томонидан банклардан кредитлар олиш масаласи ҳам кун тартибида турибди. Уй-жой ширкатларининг мавжудлиги фуқароларнинг ўзларига боғлиқдир. Уларнинг ширкатларга ишончи ширкатларни бошқариш ва ривожлантириш масаласида катта аҳамиятга молик бўлади. Бунда ширкатлар билан уй соҳиблари ўртасида доимий мулоқот бўлмоғи катта аҳамият касб этади.

## Обуна - энг яхши мукофот

# «ISHONCH» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Дунёда рўй бераётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш, ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, одамларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеалардан тўғри хулоса чиқариши, ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила билишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта.

Кейинги йилларда ана шу эзгу ишлар кенг қулоч ёйганини касаба уюшмаларининг нашри – «Ишонч» газетасида яққол кўриш мумкин. «Биздан сўраган эдингиз», «Спорт – соғлом авлод хизматида», «Шанба – дам олиш саҳифаси» каби рукн ва саҳифалар остида берилган мақолалар газета ўқимишлилигини оширмоқда. Шундан бўлса керак, «Ишонч» газетасига обуначилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ўтган йили Бухоро вилояти бўйича «Ишонч» газетасига 1452 та, «Ишонч–Доверие» газетасига 618 та обуна қилинган эди. Таҳлилларга қараганда бу кўрсаткич келгуси йил янада ортади. Тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмита, кенгаш ва вакилликлари билан ҳамкорликда кенг ихтиёрийлик асосида обунани ташкиллаштиришда бош-қош бўлмоқдалар. Жорий йилнинг 20 октябригача бўлган маълумотда кўрсатилишича, «Ишонч» газетасига 362 та, «Ишонч-Доверие» газетасига 77 та, жами 439 та обуна бўлинган.

Ишни тўғри ташкил этган агросаноат мажмуи, таълим ва фан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳамда енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмиталари, шунингдек алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари Марказий қўмитасининг вилоят вакиллигида обуна уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Кўпгина корхона, ташкилот ва муассасаларда нафақага чиққан ишчи ходимларни касаба уюшма бошланғич ташкилоти томонидан «Ишонч» ва «Ишонч–Доверие» газеталарига обуна қилиш йўлга қўйилмоқда.

**Махсуд ШУКУРОВ,**
**Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Касаба уюшма аъзоларининг катта қисми агросаноат мажмуида фаолият кўрсатади. Улар эришаётган ютуқлар ва янгиликлар, шунингдек, мавжуд муаммо ва унинг ечимлари хусусида «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарида мунтазам равишда ёритиб келинаётганлиги ҳам шундан.

Қарс икки қўлдан, дейишади. Касаба уюшма нашрларининг доимий эътиборига жавобан мажмуа ходимлари ўртасида ҳамиша обуна мавсуми қизғин кечиши одатга айланган. Айниқса, бу борада Хоразм вилояти пешқадамлик қилмоқда. Куни кеча агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасидан олинган маълумотга қараганда, 2004 йил учун «Ишонч» газетасига 395 та обуна бўлинган. «Ишонч–Доверие» газетаси обуначилари сони эса 83 тага етган.

Жойларда ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, обуначилар газета саҳифаларида меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, касаба уюшма фаолияти таъсирчан тарзда ёритилаётганини маъқулламоқдалар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «SOLI-ТЕКС»НИНГ СЕРЖИЛО БАХМАЛЛАРИ

Учқўприк туманида иш бошлаган «SOLI-ТЕКС» масъулияти чекланган жамиятида уч юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Собиқ тўқувчилик корхонаси ўрнида ташкил этилган мазкур мажмуада бахмал тўқиш йўлга қўйилди. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, истеъмолчиларга йилига икки миллион погонометрдан ортиқ ўн икки кўринишдаги бахмал етказиб берилади.

**(ЎзА)**

## Геологлар ҳузурида

# МАЪДАН ИЗЛОВЧИЛАР

***Қашқадарё воҳаси атрофини тарихи мозийга бориб тақаладиган буюк тоғлар ўраб туради. Ҳисор кенгликларида, Боботоғ пасттекисликларида турли маъданли ер ости бойликларини учратасиз.***

Геологларнинг иши ғоят машаққатли. Юртимиз бебаҳо конларини излаш ва қидириб топиш учун улар кечаю кундуз ором билишмайди.

Қашқадарё геология қидирув экспедицияси раҳбари Баҳром Ражабов бундай узлуксиз иш жараёнига кўникиб кетган. У бошчилик қилаётган жамоа мамлакатимиз жанубий ҳудудларида фаолият кўрсатади.

– Ўзбекистон республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши бебаҳо бойликларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишни кафолатлайди, - дейди жамоа раҳбари. – Асосий вазифа маъданли хомашёга бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона фойдаланиш, она заминни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барча юмушларни бехатар олиб боришни таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам экспедиция жамоаси иқтисодий аҳамиятни белгилайдиган тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Самарали меҳнат туфайли Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларидан полиметалл, кўмир, бентонит, мармар, глауконит конлари очилди.

Қидирув ишлари Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларининг тоғли ҳудудларида олиб борилмоқда. Гулдарада кўмир, Қоратепа тоғлари жанубий ёнбағрида жойлашган Далутош адирларида марганец конлари мавжуд. Булардан ташқари, темир, олтин, фосфорит, глауконит ва қурилиш материаллари заҳиралари жойлашган манбалар аниқланди.

Олинган геологик натижалар жойлашган заҳираларнинг миқдор ва сифатини технологик, техник, гидрогеологик, экологик, иқтисодий ва бошқа шароитларни баҳолаш имконини берса, қидириш ишлари янада кенг кўламда олиб борилади. 2002-2010 йиллар учун тузилган кенг кўламли дастур асосида Қашқадарёнинг Боянқара, Ғилон, Лолабулоқ ва бошқа жойларида ноёб металларни қидириш ҳамда баҳолаш тадбирлари давом этмоқда. Чақилкалон, Ғарбий Яккабоғ, Матмон, Хонтахта тоғ минтақаларида эса энг асл метал олтин излаш қизғин олиб борилаяпти.

Фидойи жамоанинг ғайрати туфайли 2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 150 миллион сўмликдан зиёд қазилма юмушлари амалга оширилди. 10 минг погонометр ер ости юмушлари бажарилди.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

## МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСҚОТДИ

«Совпластитал» қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда асосан Шўртан газ-кимё мажмуининг полиэтилен грануласидан фойдаланилмоқда.

- Авваллари корхонамизга хомашёни катта харажатлар эвазига хориждан турли қийинчиликлар билан олиб келардик, - дейди қўшма корхона директор ўринбосари Эрйигит Бозорбоев ЎзА мухбирига. -Юртимиз заминидан олинаётган полиэтилен хомашёси корхонамизга етарли миқдорда, бетўхтов етказиб берилмоқда. Натижада машина-механизмларини узлуксиз ишлатиш, маҳсулот тури ва сифатини ошириш, таннархини арзонлаштиришга муваффақ бўлдик.

Ҳозир юз турдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифати харидорларга маъқул келяпти. Корхонанинг экспорт фаолияти ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда конвертация жорий этилгач, бизнес имкониятлари кенгайди. Бу корхона маҳсулотларининг нархини йигирма фоиз арзонлаштиришга асос бўлди.

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## АНЖУМАН НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Илгари хабар қилинганидек, Малайзиянинг Путражайда шаҳрида Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)нинг катта анжумани ўз ишини якунлади. Унда айни кунларда ислом оламида йиғилиб қолган ғоят муҳим муаммолар муҳокама этилди. Хусусан, ИКТга аъзо мамлакатларда барқарор тинчлик ўрнатиш, Яқин Шарқдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги чигалликлар каби масалалар йиғин қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари давлат бошлиқлари, ҳукуматлар раҳбарлари, турли даражадаги вазирлар учрашувлари ўта самарали бўлди, демоқдалар.

Малайзиядан кейин Таиландда бўлган мулоқотлар ҳам кўпчиликни қизиқтирди. Таиланд қироли Пумипон Адульядет, бош вазир Таксин Чинаватлар билан учрашувларда қатор давлатлар олдида турган умумбашарий вазифалар тилга олинди.

## РЕЖАЛАРДАН КЕЙИНГИ НОХУШЛИК

НАТОнинг Белгия пойхахти Брюсселдаги бош қароргоҳида кейинги кунларда нохушлик пайдо бўлди. Европа Иттифоқининг мазкур қитъада ўзига тегишли армия тузиш тўғрисидаги режалари НАТОга аъзо мамлакатлар ўртасида совуқ муҳитни вужудга келтирди, дейиш мумкин. Ушбу режалар баралла ошкор этилгач, АҚШ вакиллари уларнинг НАТО келажагига салбий таъсир кўрсатажаклиги тўғрисидаги баёнот билан чиқдилар ва ҳарбий-сиёсий уюшманинг асосий раҳбар органлари мажлисини чақиришни талаб қилдилар. Чунки, 2005 йилга бориб бу кучлар сони 150 минг нафар ҳарбийга етказилса, боз устига уларга 600-700 та жанговор самолётлар берилса, НАТО сафларида мутаносиблик бузилиши аниқ бўлиб қолмоқда.

## ШУБҲАЛАНГАН КЕЛИБ КЎРСИН

Эрон келажакда ядровий қуролга эга бўлиши мумкин, деган тахминлар эндиликда йўққа чиқиши мумкин. Чунки, мамлакатнинг олий даражадаги раҳбарлари, жумладан, президент Муҳаммад Хотамий ҳамда ядровий дастур етакчиси, миллий хавфсизлик Кенгашининг бошлиғи Ҳасан Руҳонийлар ядровий қуролларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага илова тариқасидаги қўшимча баённомани имзолашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Улар МАГАТЭ бош котиби Муҳаммад ал-Барадоий ҳамда Франция, Буюк Британия ва Германия ташқи ишлар вазирларини ўз қарорларидан огоҳ қилдилар. Бу ҳужжатга асосан Эрон текширувчи маҳкамалар инспекторларини мамлакатга киритиш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар. Мабодо шундай қурол яратишга уриниш сезилгудек бўлса, бу борадаги хатти-ҳаракатлар дарҳол тўхтатилади.

## КЎПЧИЛИК ОВОЗ БИЛАН

Исроилнинг забт этилган Фаластин мухторияти ҳудудларида «муҳофаза деворлари» деб аталмиш тўсиқларни бунёд этиш тўғрисидаги резолюция БМТ Бош Ассамблеясида муҳокама этилди. Уни қоралаб 144 давлат вакиллари овоз берди, 4 вакил қарши чиқди, 12 киши бетараф қолди. Исроил томони ўз тадбирини мамлакат ичкарисига террорчилар киришига чек қўяди, деб ҳисобламоқда. Фаластинликлар эса бундай фаолият кўплаб кишиларни ўз турар-жойларидан маҳрум этади, деб норозилик билдирмоқдалар.

Бош Ассамблея Исроил ва Фаластин мухториятини аввал ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» деб аталган жараёнга қайтишга, шу тариқа минтақада лозим даражадаги осойишталикни таъминлашга чақирди.

## КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Литва бош Вазири Альгирдас Бразаускас яқинда Москвага ташриф буюрди. Бу сафардан мақсад иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларни янги поғонага кўтаришдир.

Бунда «2К» рақами остида амалга ошириладиган Клайпеда ва Калининград портларига юк пароходларининг кириши ва чиқиши, «Д6» белгиси остида Болтиқ денгизи минтақасида нефт конларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш масалалари алоҳида ўрин тутади. Шу жумладан, экология муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

## АНТИҚА КЎЗБОЙЛОҒИЧ

Шу кунларда америкалик кўзбойлоғич Дэвид Блейннинг ғалати хатти-ҳаракати кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Гап шундаки, у Лондондаги машҳур Тауэр-бридж кўчасида кран учидаги пластмасса қафасда 44 кундан бери ўтирди. Энг қизиғи у овқат тановвул қилмади, фақат, кун ботарда бир қултумгина сув ичди, холос.

Таом тановвул қилиш бўйича мутахассислар Дэвиднинг бу қилмиши фожеали тугаши мумкин, деб огоҳлантирдилар. Зотан, узоқ вақт овқат емаслик мияга жуда ёмон таъсир қилар экан. Яна улар таом тановвул қилишни тиклаш ўлимга ҳам олиб бориши мумкин, дедилар.

Алалоқибат Блейннинг кўз кўриши заифлашди, юрак уриши ва нафас олиши ёмонлашди. Шундан кейин у касалхонага жўнатилди. Шифокорлар кўзбойлоғич саломатлигини жойига келтириш учун ярим йил кетиши мумкинлигини айтдилар.

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

